ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

19 май 2018 й.г. № 377 Тошкент ш. – г. Ташкент

# Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳасида комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш, назоратнинг юқори самарадорлигини, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришни таъминлайдиган йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимини кенгайтириш бўйича ички ишлар органлари ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлимга олиб келган ҳуқуқбузарликлар сони ҳали ҳам юқорилигича қолмоқда - ўртача 100 минг кишига 8,3 ҳолат.

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда прокуратура органлари томонидан ўрганиб чиқиш давомида шаҳарлар ва туманларнинг инфратузилмаси йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш талабларига, айниқса, йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тўлиқ жавоб бермаслиги, ушбу соҳада қоида бузишларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган аҳолини хабардор қилиш ва ахборот беришнинг самарали тизими йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, йўл инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда Йўл харитаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига Концепциянинг асосий йўналишлари ва Йўл харитасида назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ва ушбу соҳада хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини тизимли асосда ўрганиш;

Концепциянинг, Йўл харитасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилишининг бориши ва натижалари мониторингини олиб бориш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни тайёрлаш ва киритиш.

4. Шундай тартиб амалиётга жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ҳар ҳафтада жума куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни” ўтказилади, унинг доирасида барча вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилишни таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасини таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилади;

йўлларда хавфсизлик муаммосига жамоатчилик эътиборини жалб этишга, автотранспорт воситаларисиз ҳаракатланиш мумкинлиги ва зарурлигини намойиш қилишга, унинг барча қатнашчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишга оммавий чақиришга йўналтирилган “Автомобилсиз кун” ойлик акцияси мунтазам асосда республиканинг барча ҳудудларида ташкил этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибини бир ой муддатда тасдиқласин;

б) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда пиёдаларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда пиёдалар қоидаларини бузувчиларнинг шахсини аниқлаш механизмини ва улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида электрон протоколларни расмийлаштириш тартибини жорий этишга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабргача бўлган муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ўз ичига биринчи навбатда транспорт воситасини бошқариш маданиятига перманент риоя қилмасликда, йўлда ўзини номуқобил тутишнинг бошқа шаклларида – ҳаракатнинг эгаллаб турилган полосасини бу ҳақда бурилиш сигнали билан огоҳлатирмасдан кескин ўзгартирган ҳолда тажавузкорона ҳайдашда, хавф тўғрисида огоҳлантирмасдан баланд товуш сигналидан бунга ҳожат бўлмаса ҳам фойдаланишда

намоён бўладиган атайлаб қасддан ҳаракатларни содир этганлик учун ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ичига оладиган йўллардаги безорилик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш тўғрисида таклиф киритсин;

Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши билан биргаликда хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида ижтимоий роликлар туркуми мунтазам тайёрланишини ва эфирга узатилишини, шунингдек, биринчи навбатда, шу жумладан, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати барча қатнашчиларининг маданияти ва онглилигини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

3-иловага мувофиқ тугатиладиган йўл-патруль хизматининг стационар постлари ва патруль пост хизмати постлари рўйхатини;

4-иловага мувофиқ фаолиятни давом эттирадиган йўл-патруль хизматининг стационар постлари ва патруль пост хизмати постлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган йўл-патруль хизматининг стационар постлари ва патруль пост хизмати постлари фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради ва назорат қилади;

тугатилаётган йўл-патруль хизматининг стационар постлари ва патруль пост хизмати постларининг бинолари ва иншоотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида оператив бошқариш ҳуқуқи сақланиб қолади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг "Йўл-патруль хизмати стационар постларини босқичма-босқич қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида" 2017 йил 23 октябрдаги 862-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Давлат йўл ҳаракати хизматининг йўл-патруль хизмати нарядларининг ягона жойлашишини бир ой муддатда танқидий қайта кўриб чиқсин, йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутсин;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорининг 7-бандини амалга оширишнинг ҳолатини бир ой муддатда танқидий таҳлил қилсин. Пухта таҳлил қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини бажаришда аниқланган

камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар киритсин;

Йўл-транспорт ҳодисаларини комплекс таҳлил қилсин, унинг якунлари бўйича йўл-транспорт ҳодисалари юз беришининг даражаси юқори бўлган йўлларнинг хавфли участкалари вазиятли харитасини, уларнинг асосий сабаблари ва хавф омиллари статистикасини икки ой муддатда тузсин, йўл-транспорт ҳодисалари юз беришининг энг кўп учрайдиган сабабларига эътиборни қаратсин ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрсин;

уч ой муддатда жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларида ўрнатилган видеорегистраторларидан олинадиган видеоёзувларни тезкор тўплашнинг марказлаштирилган тизимини жорий этиш, содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида таклиф киритсин, шахсий маълумотларнинг махфийлигини сақлаб қолиш имконияти таъминланган ҳолда уларни рағбатлантириш механизмларини жорий этишни назарда тутсин;

уч ой муддатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда йўл-патруль хизматининг барча тугатиладиган ва фаолият кўрсатувчи стационар постларида ўрнатилган видеокузатиш қурилмалари тезкор хатловдан ўтказилишини, шунингдек, уларнинг кейинчалик “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига уланишини таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** — **А.Арипов**

RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * O'ZBEKISTON
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 майдаги
377-сон қарорига
1-илова

## 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш КОНЦЕПЦИЯСИ

### 1-боб. Асосий қоидалар

1. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш шахс хавфсизлигини таъминлаш чоралари тизимида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Масалан, БМТ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра оғир жароҳатларга олиб келадиган шикастланишлар орасида криминал жароҳатлардан сўнг йўл-транспорт ҳодисаси иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳар йили 1,2 миллионга яқин одам йўл-транспорт ҳодисаси қурбонлари бўлмоқда, қарийб 50 миллион киши турли оғирликдаги жароҳатлар олмоқда.

Транспорт воситаларининг тезлигини ошириш, иштирокчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги, шунингдек, менсимаслик мамлакат йўлларида рўй бераётган бундай фожиали статистиканинг асосий сабаблари ҳисобланади. Йўл ҳаракати қоидаларининг йўловчилар томонидан бузилиши фақат уларнинг саломатлигига хавф солса, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бундай хатти-ҳаракатлари ҳам ўзлари, ҳам йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари – бошқа транспорт воситаларининг эгалари, йўловчилар ва айниқса, пиёдалар учун оғир оқибатларга олиб келиши билан хавфлидир.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, республикада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспортни бошқариш ва автомобиль йўлларининг пиёдалар ўтиш жойларида уларнинг ўзини тутиш маданиятини ошириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, статистика маълумотлари шундан далолат берадики, республика ҳудудида ҳар йили ўртача 9-10 мингта йўл-транспорт ҳодисаси рўй беради. Уларнинг 2 мингдан ортиғи одамлар қурбон бўлишига олиб келмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларни батафсил ўрганиш натижалари автомобиль йўлларида айрим талабларни меъёрий тартибга солиш борасида қатор муаммолар мавжудлигидан ва улар транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш учун масъул давлат органларининг куч ва воситаларини бошқариш самаралигининг пасайишига сабаб бўлаётганидан далолат беради.

Хусусан, халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларига нисбатан талабларни аниқ белгилаш, шунингдек, улардан хавфсиз фойдаланиш учун замонавий, ҳар томонлама қулай инфратузилмани яратиш масаласи ҳал этилмай қолмоқда.

3. Шу муносабат билан 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ҳаётга татбиқ этиш орқали йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш вазифасига мутлақо янгича ёндашувларни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу Концепция қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шу жумладан Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол бузганлик учун жавобгарлик чораларини янада кучайтириш;

йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шароитлар яратиш;

йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданияти, зарур билимлари ва малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлаш.

## 2-боб. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини видеорегистраторлар билан жиҳозлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида уларни қўллаш бўйича норматив тартибни белгилаш тадбирларини ташкил қилиш.

5. Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

6. Йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

7. Белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш, шунингдек, носоз транспорт воситасидан фойдаланиш оқибатида содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш.

8. Пиёдларни Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

9. Автомобиль йўлларида транспорт воситаларини тўхтатиш ва махсус тадбирларни ўтказиш тартибини такомиллаштириш ҳамда бунинг учун асослар рўйхатини аниқлаш.

10. Йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий қоидабузарликлар тўғрисидаги материалларни зудлик билан расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг электрон тизимини яратиш.

11. Қидирув эълон қилинган шахслар ва транспорт воситаларини танишнинг электрон тизимини тезкор ташкил қилиш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий этиш.

12. Йўл ҳаракати қоидаларига йўл ҳаракати хавфсизлигининг сифат даражаси ва ишончлилигини оширишга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



13. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ишини ташкил этиш самарадорлигини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлиш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда, йўл-патруль хизматининг куч ва воситаларини оқилона тақсимлаш йўли билан ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш.

14. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

15. Жарима майдончалари нормативларини ишлаб чиқиш ва белгилаш, давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда улар фаолиятини такомиллаштириш.

16. Давлат-хусусий шериклик механизмларини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимига жорий этиш.

17. Давлат йўл ҳаракати хизматининг илмий, кадрлар ва моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, унинг ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини жорий этиш.

## 3-боб. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш

18. Транзит ва давлат ички транспорт оқимини амалга ошириш учун мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган халқаро автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш.

19. Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишини назарда тутувчи республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

20. Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши хавфини пасайтиришни таъминлайдиган шаҳарлар ва аҳоли пунктлари кўчалари – йўллари тармоғи тизимини такомиллаштириш.

21. Йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлиши хавфи энг юқори даражада бўлган автомобиль йўллари участкаларида йўл инфратузилмасини ривожлантириш.

22. Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқариш ва таъминлашнинг интеллектуал тизимларини жорий этиш.

23. Транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатни тўхтатиши ва бошлаши тўғрисида огоҳлантиришнинг замонавий сигнал берувчи тизимларини жорий этиш, пиёдалар учун янги ўтиш жойларини ташкил этиш.

24. Жамоат ва махсус транспорт учун алоҳида ҳаракатланиш йўл полосаси ва замонавий велосипед йўлкалари ташкил этиш.

25. Қониқарсиз ҳолати йўл-транспорт ҳодисасига, айниқса, ўлимга олиб келган йўл ёки муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари тасарруфида бўлган ташкилотлар ёки орган раҳбарларидан моддий зиённи ундириш тартибини жорий этиш.

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



## 4-боб. Йўл ҳаракати барча қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини ва зарур малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлаш

26. Ёшларда, энг аввало, умумтаълим муассасалари ўқувчиларида йўл ҳаракати доирасида зарур билимлар, уқувлар, хавфсиз ва қонунга итоат қилиш хулқ-атвори кўникмаларини шакллантириш.

27. Йўл ҳаракати барча қатнашчиларининг маданияти ва фуқаролик онгини ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш.

28. Республика ва маҳаллий телеканалларда ички ишлар органлари масъул ходимларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликнинг сабаблари ва оқибатларини, шу жумладан, йўл ҳаракати доирасида пиёдаларнинг масъулияти масалаларини профессионал ва тушунарли ёритишни таъминлашга йўналтирилган чиқишлар, интервью ва учрашувларни ташкил этиш.

29. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларини кенг жалб этиш.

30. Йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг гувоҳларини ички ишлар органларига кўмаклашишга, шу жумладан, Интернет-технологиялар ва ижтимоий тармоқлар воситасида фаол жалб этиш механизмларини жорий этиш.

31. Илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг муҳимлигини ва қўллаб-қувватлаш зарурлигини тарғиб қилишга суғурта, уяли ва реклама ташкилотларини жалб этишнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш.

32. Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш соҳасида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш.

33. Мавзули реклама-ташвиқот воситаларини (плакатлар, баннерлар, стендлар ва шу кабилар), йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган бошқа воситаларни биринчи навбатда, транспорт воситалари жадал ҳаракатланадиган жойларда, умумий фойдаланиладиган, халқаро ва республика аҳамиятига молик йўлларда ўрнатиш.

34. Йўл ҳаракати маданиятини, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишини ва бирдамлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий роликларни тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида узатиш.

## 5-боб. Фаолиятни баҳолаш ва Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

35. 2018-2019 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш мақсадида қуйидаги асосий кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш ташкил этилади:

йўл ҳаракати соҳасида йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони;

пиёдалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони;

болалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони;

одамларнинг ўлимига ёки жароҳат олишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари сони;

йўл қопламасининг қониқарсиз ҳолати, шунингдек, йўл белгилари ва чизиқлар мавжуд эмаслиги сабабли содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони;

йўловчилар ва юк ташиш соҳасида автоташувчилар томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони;

йўл инфратузилмаси объектларига етказилган зарар миқдори;

транспорт ва йўл инфратузилмаси объектларида фойдаланиладиган хавфсизликни таъминлаш тизимлари ва воситалари сони;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган давлат органлари мутахассисларининг умумий сони.

36. 2018-2019 йиллада Концепция амалга оширилишини ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасида йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг динамикаси ва сифат параметрларини чуқур ўрганиб чиқиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020-2022 йилларда вазиятни яхшилаш, амалий механизмларни, иш усуллари ва методларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

37. Мамлакатнинг бутун ҳудудида йўл ҳаракатининг умумий эътироф этилган нормалари ва қоидаларига, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айнан:

сифатли, хавфсизликнинг замонавий талабларига жавоб берадиган йўл ва транспорт инфратузилмасидан фойдаланишга;

йўл ва траспорт инфратузилмасининг ҳолати тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ўз оиласини хабардор қилиш мақсадида алоқа воситаларидан тезкор фойдаланишга;

сифатли маъмурий, тиббий ва авария хизматидан тезкор фойдаланишга эришиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг натижалари бўлиши керак.

38. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган тизимини яратиш, транзит, йўловчилар ва юк ташишни ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликни кегайтириш Концепция қоидаларини амалга оширишнинг якуний натижасига айланиши даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 майдаги
377-сон қарорига
2-илова

**2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"**

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро этиш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | |
| 1. | Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини видеорегистраторлар билан жиҳозлаш юзасидан қатор чоралар кўриш, Тошкент шаҳрида тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун мазкур тажрибани қўллаш бўйича норматив тартиб белгилаш. | Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлардан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тезлик билан тўпловчи марказлаштирилган тизимни жорий этиш;<br>электрон тизимга келиб тушаётган видеоёзувлар бўйича тизимли мониторинг юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун уларни ички ишлар органларига юбориш;<br>видеорегистраторларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;<br>жамоат транспорти ва йўловчиларни ташувчи транспорт воситалари учун видеорегистраторлар ўрнатиш бўйича мажбурий тартибни жорий этиш;<br>суд томонидан ҳуқуқбузарлик белгиланган тартибда тасдиқланганда, тизимга видеоматериаллар тақдим этадиган фуқароларни рағбатлантириш механизмларини аниқлаш;<br>тизимга видеоматериаллар тақдим этадиган фуқароларнинг шахсий маълумотлари анонимлигини таъминлаш. | 2018 йил август | ИИВ, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 2. | Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун йўл ҳаракати иштирокчиларининг жавобгарлигини кучайтириш. | Қуйидагиларни назарда тутадиган қонун лойиҳасини тайёрлаш:<br>“йўлда безорилик”, шу жумладан транспорт воситасини бошқариш маданиятига узлуксиз риоя этмаслик, қайрилиш сигнали билан огоҳлантирмай, эгаллаб турган ҳаракатланиш полосасини кескин ўзгартирганча автомобилни агрессив бошқаришда, баланд овозли сигналдан зарурат бўлмасада, асоссиз фойдаланишда ва бошқа ҳолатлар билан ифодаланадиган била туриб қасддан содир этилган хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш;<br>Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик, жумладан, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлик учун, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарлик учун маъмурий қамоқ тарзидаги жазо қўлланилишини назарда тутган ҳолда маъмурий жавобгарликни кучайтириш;<br>ДЙҲХХ ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш бўйича қонуний талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш;<br>йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойни тарк этганлик учун маъмурий жавобгарликни ва хавф остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш;<br>йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ва ДЙҲХХ рухсатисиз транспорт воситаларини таъмирлаб олган шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш. | 2018 йил декабрь | ИИВ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 3. | Илғор хориж тажрибасини (ХХР, Грузия, ГФР, Буюк Британия, Франция, Австрия ва бошқа давлатлар) ҳисобга олиб, ҳайдовчиларни жавобгарликка тортадиган ва рағбатлантирадиган замонавий балли тизимни жорий этиш. | Қуйидагиларни назарда тутадиган балл тўплаб бориш тизимини жорий этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш:<br>ҳар йили ҳайдовчилик гувоҳномасига 12 балл ёзиш. Бу баллар қоидабузарлик турига қараб камайиб боради (яъни, агар ҳайдовчинингқоида бузиши 12 баллга етса, у ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади);<br>балл тизимини қўллашда дифференциал ёндашув (яъни, жарима баллари Йўл ҳаракати қоидалари қанчалик оғир бузилганлигига қараб белгиланади); | 2019 йил февраль | ИИВ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | муайян вақт ичида йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ҳайдовчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш. | | |
| 4. | Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини жорий этиш. | Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда ва фуқаролар оммавий тўпланадиган жойларда йўл хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизматлар шартнома-ҳуқуқ асосида кўрсатилишини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. | 2018 йил декабрь | ИИВ, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 5. | Пиёдаларни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш. | Қуйидагиларни назарда тутадиган тартибни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:<br>йўл ҳаракати қоидаларини бузган пиёдаларнинг шахсини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш тартибини ички ишлар органларининг амалиётига жорий этиш;<br>йўловчилар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши тўғрисида электрон баённомаларни расмийлаштириш тартиби. | 2018 йил июль | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларин и ривожлантириш вазирлиги, ИИВ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 6. | Автомобиль йўлларида транспорт воситаларини тўхтатиш ва махсус тадбирлар ўтказиш учун тартибни ва асосларни такомиллаштириш. | Транспорт воситаларини тўхтатиш ва автомобиль йўлларида махсус тадбирларни ўтказиш тартибини танқидий таҳлил қилиш асосида қайта кўриб чиқиш. Унда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>ички ишлар органлари ходимлари томонидан транспорт воситаларини тўхтатиш тартибининг талабларини ва шартларини аниқ белгилаб қўйиш;<br>автомобиль йўлларида махсус тадбирлар ўтказиш тартибини такомиллаштириш, мазкур тадбирлар субъектларининг функциялари ва ваколатларини тақсимлаш ҳамда автомобиль йўлларида хизматни яширин олиб бориш усулларини тақиқлаш. | 2018 йил август | ИИВ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 7. | "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини ҳисобга олган ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг норматив механизмини жорий этиш. | 1. Қуйидагилар юзасидан амалий чора-тадбирларни бажариш:<br>йўл-патруль хизмати инспекторларини маълумотларни ўтказиш ва қайта ишлашнинг замонавий мобиль электрон воситалари билан таъминлаш; | 2018 йил октябрь | ИИВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларин и ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия |

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳолатларини рўйхатга олишнинг марказлашган электрон тизимини такомиллаштириш;<br>йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари бўйича материалларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг электрон тизимини жорий этиш;<br>қидирувга берилган шахслар ва транспорт воситаларини аниқловчи аппарат-дастурий комплексини ишлаб чиқиш ҳамда ДЙҲХХ фаолиятига жорий этиш, шунингдек,, транспорт воситалари эгалари томонидан фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш учун;<br>оператив ва махсус хизматлар йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойга ўз вақтида етиб бориши учун уларнинг транспорт воситаларини ўтказиб юбориш мақсадида йўл чорраҳаларини бошқаришнинг автоматик тизимини ишлаб чиқиш.<br>2. Транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда ва қайта рўйхатдан ўтказишда, шунингдек,, транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги ҳайдовчилик гувоҳномалари ва шаҳодатномаларини алмаштиришда фуқаролар аризаларини расмийлаштиришнинг электрон тизимини яратиш бўйича таклифлар киритиш. | 2018 йил декабрь<br><br>босқичма-босқич (“Хавфсиз шаҳар” АДК доирасида)<br><br>2018 йил декабрь<br><br>2018 йил ноябрь | вазирлиги |
| 8. | Йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутиш. | Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагиларни назарда тутадиган қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>светофорнинг тақиқловчи сигнали ёниб турганда ўнгга бурилишга рухсат берадиган йўл белгилари ва ишораларини жорий этиш;<br>автотранспорт воситаларида болаларни ушлаб турадиган қурилмалардан фойдаланиш, шунингдек,, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича талаблар ўрнатиш;<br>йўл белгиларини, шу жумладан радарлар борлигидан хабардор қилувчи йўл белгиларини замонавий халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда янгилаш; | 2018 йил декабрь | ИИВ, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Автомобиль транспорти агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | вилоятлар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қарорлари билан йўл участкаларида уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, тезлик режимини ўрнатиш;<br>кун ёруғ бўлган вақтда олдинда кетаётгантранспорт воситасини яхшироқ кўриш мақсадида енгил ва юк транспорт воситалари учун кундузги сигнал чироқларидан мажбурий тарзда фойдаланиш бўйича талаб белгилаш (2011 йилдаги 87-сон БМТ ЯИК қоидалари талаблари). | | ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 9. | ДЙҲХХ фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлиш принципига мувофиқ йўл-патруль хизмати кучлари ва воситаларини тақсимлаш орқали ошириш бўйича амалий чоралар кўриш. | Қуйидагиларни назарда тутадиган идоравий ҳужжат қабул қилиш:<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ДЙҲХХ бўлинмаларини тегишли секторларга хизмат кўрсатувчи йўл-патруль хизматининг тўртта отрядига қайта тақсимлаш, уларнинг ушбу участка доирасида мунтазам жойлашувини ва ушбу ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати учун жавобгарликни назарда тутиш;<br>ЙПХ отрядлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи штаб пунктини жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар даражасида ҳар бир секторда бинолар ажратиш, ушбу биноларни доим ишлаб туриши учун босқичма-босқич реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни назарда тутиш;<br>йўл-патруль хизмати қисмларининг ички ишлар туман (шаҳар) бошқармалари бошлиқларига тезкор бўйсуниши;<br>ДЙҲХХ вилоят бўлинмалари томонидан таҳлиллар ва мувофиқлаштириш функцияларининг бажарилиши, шу жумладан йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш ва унга алоҳида эътибор қаратиш бўйича муфоқлаштирилган ҳамкорликни таъминлаш, ДЙҲХХ бўлинмаларининг фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва ташкил этиш, мавжуд кучлар ва воситаларни бўлинишнинг сектор принципига мувофиқ тақсимлаш; | 2018 йил июль | ИИВ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ДЙҲХХ отрядларини асосан тегишли секторлар ҳудудида яшовчи ходимларга ва мутахассислар билан тўлдириш тартибини белгилаш. | | |
| 10. | Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш. | Вазирлар Маҳкамасининг қуйидагиларни назарда тутадиган қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>охирги уч йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини инвентаризация қилиш;<br>утилизацияга топшириладиган ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлинадиган транспорт воситаларини ДЙҲХХ органлари ҳисобидан мажбурий тарзда ўчириш тартибини белгилаш;<br>транспорт воситаси утилизация қилишга ёки реализация қилиш мақсадида қисмларга бўлишга топшириладиган бўлса, уни мажбурий техник кўрикдан ўтказишга ўз вақтида топширмаганлик учун маъмурий жарима ундириш нормасини чиқариб ташлаш;<br>фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ва нодавлат ташкилотларни кенг жалб қилган ҳолда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби мажбурийлиги ва муҳимлигини мунтазам тарғиб қилиш. | 2018 йил октябрь | ИИВ, Автомобиль транспорти агентлиги, «Ўзавтосаноат», Адлия вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 11. | Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходимларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | Ходимларнинг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш тартиби ва мезонларини назарда тутадиган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Унга кўра:<br>ДЙҲХХ ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика тадбирларини амалга ошириш, йўл ҳаракати иштирокчиларига мурожаат қилиш маданиятига риоя қилиш, бириктирилган секторларда йўл-транспорт ҳодисаларига йўл қўймаслик бўйича эришган натижалари асосида рағбатлантирилади;<br>ДЙҲХХ ходимларига нисбатан йўл-траснпорт ҳодисаларини бартараф этиш бўйича керакли чора-тадбирларни кўрмаслик натижасида ўлим билан тугаган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда, шунингдек,, | 2018 йил октябрь | ИИВ, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ўзларига бириктирилган секторлар йўлларида транспорт воситалари асоссиз равишда кўп бўлганда ёки йўл ҳаракати иштирокчиларига мурожаат қилиш маданиятига риоя қилинмаган ҳолатлар қайд этилганда чоралар кўрилади. | | |
| 12. | ДЙҲХХ кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларга нисбатан ижтимоий кафолатларни ҳамда илмий-таҳлилий салоҳиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Қуйидагиларни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>ДЙҲХХда тарғибот инспекторлари сонини ошириш мақсадида ЙПХ штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва қуйи бўлинмаларда ДЙҲХХнинг умумий чекланган штатлар сони доирасида махсус техника билан тегишли тарзда жиҳозланган ташвиқот бўлимини ташкил этиш;<br>қўшимча солиқ имтиёзларини назарда тутган ҳолда юқори малакали мутахассисларни (мухбир, оператор, журналист ва бошқа мутахассисларни), шунингдек,, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда белгилаб, IT-мутахассисларни ДЙҲХХда шартнома асосида ишга жалб қилиш;<br>мутахассисларни, шу жумладан шу соҳага ихтисослашган фуқаролик таълим муассасалари битирувчиларини ДЙҲХХ бўлинмаларида хизмат қилишга қабул қилиш;<br>аввал ДЙҲХХ бўлинмаларида хизмат ўтаган ва салбий ҳолатлар туфайли бошқа бўлинмаларга ўтказилган ички ишлар органлари ходимлари ДЙҲХХга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг рухсати билангина ўтказилишини назарда тутадиган тартибни белгилаш;<br>мутахассислар ДЙҲХХнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига шартнома асосида жалб қилинишини ҳисобга олган ҳолда ДЙҲХХнинг рўйхатдан ўтказиш-имтиҳон бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш;<br>ДЙҲХХ тузилмасида йўл ҳаракати иштирокчиларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатувчи, шу жумладан техник, маслаҳат ва бошқа ёрдам кўрсатувчи (“Эзгулик патрули” сингари) бўлинмаларни ташкил этиш. | 2018 йил декабрь | ИИВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Халқаро тажрибани (Буюк Британия, Корея, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, РФ) ўрганиш асосида ДЙҲХХ қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари билан шуғулланувчи Илмий-тадқиқот марказини тузиш, унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш:<br>йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини ўрганишга доир тадқиқотлар ўтказилишини ва мувофиқлаштирилишини ташкил этиш;<br>йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;<br>йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий ва техник тартибга солишни такомиллаштиришда иштирок этиш;<br>йўл ҳаракати хавфсизлиги ва унинг иштирокчиларини йўл-транспорт ҳодисасидан ҳимоя қилиш даражасини оширишнинг ҳуқуқий, муҳандислик-техник, ахборот, ташкилий-методик муаммоларни ҳал қилишга доир вазифаларни бажариш;<br>йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишига кўмаклашадиган омилларни ва шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, жароҳат олишни бартараф этиш ва камайтиришнинг устувор йўналишларини илмий асослаш, ДЙҲХХ фаолиятидаги долзарб муаммоларни ишлаб чиқиш;<br>йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил март | ИИВ, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| **II. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситалари ва йўловчиларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш** | | | | |
| 13. | Транзит ва давлат ичкарисида ташиш учун мақбул шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда халқаро автомобиль йўлларининг инфратузилмасини такомиллаштириш. | 1. Осиё автомобиль йўллари тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим ижроси боришини таҳлил қилиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.<br>2. М-39, М-37, М-34, М-41, А-373, А-376, А-380 халқаро автомобиль йўлларининг жиҳозланган участкаларини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш дастурларини | 2018 йил сентябрь<br><br>2018 йил | Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари |

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:<br>нур қайтарувчи йўналтиргичлар ва йўл белгиларига эга ажратадиган тўсиқлар ўрнатиш;<br>ўтиш қисмини аҳоли пунктлари бўйлаб жойлашган қисмлардан ажратиш воситалари.<br>3. Қишлоқ хўжалиги ишлари мавсумлари вақтида йирик габаритли қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа махсус техниканинг халқаро йўловчи транспорти ҳаракатланадиган участкаларга ва халқаро автомобиль йўлларига чиқмай туриб, якка тартибда ҳаракатланиш вақтини ва йўналишларини келишиш.<br>4. Йирик габаритли юк автотранспорт воситалари томонидан юкларни шаҳарларнинг марказий туманлари орқали ташиш тартибини танқидий ўрганиш. | октябрь<br><br>мунтазам<br><br>2018 йил октябрь | сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, ТИВ, ИИВ, ЛБМА |
| 14. | Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг кўча-йўл тармоғи тизимини такомиллаштириш, уларнинг йўл-транспорт ҳодисаларига чидамлилиги оширилишини назарда тутиш. | 1. Автомобиль қўйиш жойларини ва кўп қаватли автомобиль тўхтаб туриш жойлари қурилишини ташкил этиш бўйича қуйидагиларни назарда тутадиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:<br>ташкилотлар ва корхоналар транспорти тўхтаб туриш жойлари учун жойларни мажбурий тарзда ҳисобга олишга қаратилган қўшимчаларни Қурилиш нормалари ва қоидаларига киритиш;<br>йирик савдо марказларига ташриф буюрувчилар учун кўп қаватли автомобиль тўхтаб туриш жойларини қуриш, йирик бозорлар, истироҳат боғлари ва турар жой массивлари ёнида бепул автомобиль тўхтаб туриш жойларини жиҳозлаш;<br>ҳар бир муассасада автомобиль тўхтаб туриш жойлари, шу жумладан ходимларнинг шахсий транспорт учун объект периметри ичкарисида автомобиль тўхтаб туриш жойлари борлигини ўрганиш;<br>автомобиль тўхтаб туриш жойларини видеокамералар билан босқичма-босқич жиҳозлаш;<br>савдо, умумий овқатланиш объектлари, маданий-кўнгилочар муассасалар яқинида автотранспорт вақтинча тўхтаб турадиган жойларни ташкил этиш; | 2018 йил сентябрь | Қурилиш вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, ИИВ, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | йирик бозорлар ва фуқаролар тўпланадиган жойларда йўловчи автотранспорти йўлаклари ва тўхташ жойларини хусусий автомобиллар киришини чекловчи тизимлар (масалан, масофадан бошқариладиган шлагбаумлар) билан қайта жиҳозлаш.<br>2. Катта ҳаракатланиш мавжуд чорраҳаларни ҳамда учта ва ундан ортиқ ҳаракатланиш полосасига эга йўлларни четдаги ўнг полосадан ўнгга тўсиқсиз бурилишни назарда тутадиган белгилар ва йўл ишоралари билан жиҳозлаш.<br>3. Велосипед юрадиган йўлларни, йўлаклар ва ҳоказоларни назарда тутган ҳолда ўтиш қисмига туташ ҳудудни тўсиш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш.<br>4. Халқаро аҳамиятга эга йўллар бўйлаб жойлашган тадбиркорлик субъектлари (умумий овқатланиш объектлари, дўконлар ва ҳоказолар) фаолиятини тартибга солиш, шу жумладан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча талабларни назарда тутиш.<br>5. Шошилинч хизматларнинг махсус автотранспорти, шу жумладан тез тиббий ёрдам транспорти тўсиқсиз ҳаракатланиши учун қўшимча полосаларни ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш. | 2018 йил октябрь<br><br>2019 йил январь<br><br>2019 йил январь | ҚР Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, ИИВ |
| 15. | Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши хавфи юқори бўлган автомобиль йўллари участкаларида йўл инфратузилмасини ривожлантириш. | 1. Шаҳарлардаги автоҳалокат содир бўлиш хавфи юқори бўлган жойларда ва аҳоли пунктларида тезда қуриладиган ерости йўловчилар ўтиш жойларини қуриш.<br>2. Ўтказиш қобилиятини ошириш ва йўл ҳаракати ташкил этилишини такомиллаштириш мақсадида чорраҳалар ва автомобиль йўллари остин-устун ўтадиган чорраҳалар қуриш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш.<br>3. Шаҳарлар ва аҳоли пунктлари кўча-йўл тармоғининг участкаларини йўловчиларнинг ҳаракатланиш кучли бўлган йўллар участкаларига тўсиқсиз чиқишига имкон бермайдиган йўловчилар тўсиқлари билан жиҳозлаш. | 2020 йил январь | ҚР Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/18/377/1258-сон
22.05.2018 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Тартибга солинмайдиган йўловчилар ўтиш жойларини, шу жумладан бевосита мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларига туташадиган йўловчилар ўтиш жойларини ёритиш воситалари, сунъий нотекис жойлар, светофорлар, шунингдек, видеокамералар билан модернизациялаш.<br>5. Тормоз тизими носоз автотранспорт воситаларини мажбурлаб тўхтатиш учун тик қия йўл участкаларида тармоқланган улама йўллар қуриш.<br>6. Йўлларнинг тик буриладиган, орқага қайриладиган ва тораядиган/кенгаядиган участкаларини нур қайтарувчи ҳаракатланиш кўрсаткичлари билан жиҳозлаш. | | |
| 16. | Белгиланган тезликни ошириш орқали содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга доир чора-тадбирларни такомиллаштириш. | 1. "Хавфсиз йўл" АДК лойиҳасини амалга ошириш доирасида тезлик режими бузилишини қайд этувчи масофавий автоматлаштирилган воситалар жорий этилишини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларида ва шаҳарларнинг кўча-йўл тармоғида Йўл ҳаракати қоидалари бузилишини автоматик назорат қилиш ва аниқлаш тизимлари, шу жумладан мамлакатимиз компанияларининг инновацион ишланмалари билан қўшимча равишда жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Аҳоли пунктлари ҳудудлари бўйлаб ўтадиган автомобиль йўллари участкаларида йўл-транспорт ҳодисалари кўп учрайдиган жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш (сунъий ёритиш воситалари билан жиҳозлаш). | 2018 йил сентябрь<br><br>2018 йил октябрь | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги,ЛБМА, ИИВ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар<br><br>ҚР Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, ИИВ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 17. | Автомобиль транспортини ишлаб чиқаришда уларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали замонавий хавфсизлик тизимлари билан жиҳозлаш. | 1. Қуйидагиларни назарда тутадиган Ҳукумат қарорини қабул қилиш:<br>мамлакат автотранспорт воситаларини жавобгар тузилмаларни фавқулодда вазиятлардан автоматик тарзда огоҳлантирувчи SOS тизими, шунингдек, рухсат этилган тезликни оширганда ҳайдовчини овозли огоҳлантириш тизими билан босқичма-босқич жиҳозлаш (тўлдириш); | 2019 йил декабрь | ««Ўзавтосаноат»», ССП, Автомобиль транспорти агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ФВВ, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
